



15390626

Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 02/02-0062

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Тошкент кимё технология институти Янгиер филиали на общую
сумму 11799480,00

Глава

079

Казначейский лицевой счёт

100010860244137094100079001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---------------------------------|--|--|--|----------------------|
| | 4222000 | | | |
| Январь | 4 699 860,00 | | | 4 699 860,00 |
| Февраль | 4 699 860,00 | | | 4 699 860,00 |
| Март | 2 399 760,00 | | | 2 399 760,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Всего за год | 11 799 480,00 | | | 11 799 480,00 |

Всего 11799480,00 сум

Однинадцать миллионов семьсот девяносто девять тысяч
четыреста восемьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в _____ мес. 20 ____ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Хакимов Зафар Туляганович

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«___» 20 ___ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«___» 20 ___ г.

Бердиев Уктам Аноркулович

Ф.И.О.



HUDUDGAZTA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ШАРТНОМАСИ

№ 02/02-0062

БЛОГИЕР.

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

05.01.2022 йил

02/02-0062 сон

Гулистан шаҳар

Низом ва ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали(бундан кейин"Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ташкент кунг'юн-технол. институты 5тишер ормаси.
(Истеъмолчи номи)

(бундан кейин"Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари З.Хакимов.

иккинчи тарафдан, куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздилар:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Таъминотчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган мебўрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол килиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича кўйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

| | | | | | | | |
|-----------|-------|--------------------|------|---------|------|----------|-------|
| I чорак | 12878 | минг куб.м:январь | 7121 | февраль | 7121 | март | 3636. |
| II чорак | — | минг куб.м:апрель | — | май | — | июнь | () |
| III чорак | — | минг куб.м:июль | — | август | — | сентябрь | () |
| IV чорак | — | минг куб.м:октябрь | — | ноябрь | — | декабрь | () |

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда таксимланади.

1.6. Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табий газ ресурсларининг ва газни тасдикланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой

(чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай холат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истемолчи томонидан газ тармокларига уланиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Саноатгеоконтехнозорат» ДИ рухсатномасиз ва «Ўзнефтгазинспекция» худудий бўлимининг қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёкилгининг мукобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хуласасиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш тақиқланади.

2.2. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.3. Истемолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истемолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истемолчиларой давомида истемол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни хисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истемолчига ой давомида хисботта киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар.

2.4. Таъминотчи Истемолчига 24 соат ичига газ етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарсанлиги тўғрисида барча усууллар оркали Истемолчини хабардор килиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истемолчини газ етказиб берниш кискартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария холатлари бундан мустасно. Истемолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максадида Таъминотчи Истемолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб бериши чеклаш ёки тўхтатиб кўйиш хукукига эга, Истемолчи эса захира ёкилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истемолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишин таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истемолчи захира ёкилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Таъминотчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи табий газни ўртacha суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил микдорда, истеъмол килишнинг суткалик нормасида камайтириш хисобига чекиниш зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишишган диспетчерлик жадваллари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (майший истеъмолчилар ва умумий хисоб қуввати 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оиласив корхоналардан ташкари) уни бўлинниш чегарасида ўрнатилган табий газ истеъмолини хисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чикиш газ қувурлари (нукталар) орқали етказиб берилган табий газ ҳажмлари истеъмолчилар билан бўлинниш чегарасида ўрнатилган табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаттичларининг умумий йигиндиси бўйича аниқланади. ГТСнинг алоҳида чикиш газ қувурлар (нукталар) ва истеъмолчилар билан бўлинниши чегарасида ўрнатилган табий газ истеъмолини хисобга олиш приборларига қадар ўрнатилган бошка табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро хисоб-китоб килиш учун яроксиз деб хисобланади.

Республика худуди бўйича табий газни етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худугазтаъминот» АЖ томонидан газ ташиш тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

2.12. Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.13. Табий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлинниши чегарасида

ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўргасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олиниди: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитта автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегиши қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат киёсловидан ўтказиши сарф-харажатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан копланади.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О’з DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О’з DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини очиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишини таъминлайди. Таъминотчи Истемолчи газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Таъминотчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир киласидиган кисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Таъминотчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Таъминотчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида файритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмагандан, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечиликдан – хисобга олиш прибори ечилик кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган

кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечишган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аникланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиши, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган такдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш холати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

н) газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб кўйилган кундан бошлаб то аникланган кунга кадар.

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки

чегарасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш хукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 30% суммасини Таъминотчининг хисоб ракамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.6. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

хажмлардан ортикча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган түлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмираш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган тури хил (электр таъминоти носозлиги, чақмок, киска туташув ва х.к)даги техник носозликлар аникланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича хисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортик ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор килган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.10. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аникланди.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан хисоб-китоб ой учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон хисоб варак-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳақконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни хисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида хисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон хисоб варак-фактурани юборади.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳақконийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истеъмолчилар куйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишиларнинг ҳажми тўғрисидаги далолататноманинг мавжудлиги;

Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТҚдаги технологик йўқотишилар Истемолчи хисобига олиб борилади.

4.13. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Таъминотчидан хисобкитоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварак-фактурани кабул киласди.

Модем ўрнатган Истемолчилар ой давомида истемол килган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳакконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни хисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истемолчига ой давомида хисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истемолчига электрон ҳисоб варак-фактурани юборади.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи туагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмагандан, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.15. Истемолчидан дебитор карзларни ундириш Таъминотчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари оркали хабардор қиласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истемол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у-конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17.-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Таъминотчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

хажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар ва/ёки амалдаги қонунчилик хужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мазкур шартномаданазарда тутилмаган бошка мажбуриятлар баъжарилмаганида;

- Таъминотчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмагандан;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олдиндан тўловлар назарда тутилган бўлса;

- Таъминотчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари баъжарилмагандан; - хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинилк қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;

- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равища газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошка қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Таъминотчи қўйидагиларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибида ва муддатларда баъжариш;

- ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклиш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қискарған ёки тұхтаган тақдирда бу тұғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;
- газ ҳисоблаш усқуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17.-бандига күрсатылған ҳолатлар содир этилғанлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгүнуга кадар табиий газ таъминотини күшимча огохлантиришларсиз тармокдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол килингандык, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож килингандык тұғрисида хукукни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасыда келишилған шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонунда назарда тутилған тартибда монополияға қарши давлат органининг тақдимномасыга асосан шартномага ўзgartиришлар киритиш;
- Таъминотчи ва ваколатты давлат органларининг мажбурий күрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат күрсатыш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи усқуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларға профилактика хизмат күрсатыш:
- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;
- овқат тайёрлаш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш усқуналарининг носозлигіда — бир күн давомида;
- иситиш мавсумида иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш усқуналарининг носозлигіда — бир күн давомида;
- иссиқ сув ва иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш усқуналарининг носозлигіда (иситиш мавсумидан ташкары вактда) — иккі күн давомида;
- Газдан фойдаланиш усқуналарини 5 сутка муддат ичиде алмаштириш; Таъминотчи қонунчилікка мувофиқ бошқа мажбуриятларға ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Таъминотчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратта кўра, Истеъмолчини белгиланған тартибда хабардор килған холда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тұхтатиши;
- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланғанда уларни белгиланған тартибда газ тармогидан узиб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;
- газ тармокларida авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантиримасдан ҳамда зудлик билан хабардор килған холда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилған ҳолатларда, аниқланған қоидабузарликлар бартараф этилгүнуга калар аввалдан огохлантирган холда газ етказиб беришни тұхтатиши.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.
- Истемолчи мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб бериши тұхтатиш.

7.3. Истемолчи қуйидагиларға мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни үрнатылған тартибда ва муддатларда бажариш;
- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва хисоб-варапасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Тайминотчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қиласлик етказиб берилған табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ойлик истемол килинган газ ҳажми ҳакидаги хужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси, хисоб-варап фактура, солиштирма далолатномаси ва ҳ.к.з)ни ўз вактида имзо(мухр) билан тасдиқлаб бориши, Истемолчи тақдим килинган хужжатларни имзо(мухр) билан тасдиқлашдан бош торган тақдирда, ушбу ҳолат етказиб берилған табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ташкилий хукукий шакли ўзгарған тақдирда ёки ЯТТга берилған гувохнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дархол Тайминотчига ёзма равишида хабар бериш;
- шартномани газзначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичидаги асослантирувчи хужжатни Тайминотчига тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникжиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ тайминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлислигини тайминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишида кўздан кечириб чиқиш;
- газ тайминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;
- газ Тайминотчи вакиллари ва “Ўзнефтгазспекция” ходимларининг (тегишли гувохнома кўрсатилған тақдирда) табиий газни истемол килишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини тайминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсингилек килувчи харакатларни

амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дарҳол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлинниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш;

- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга конунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичida жавоб қайтариш(белгилаган муддат ичida талабномага жавоб қайтаришларни табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортishi деб баҳоланиши мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мурожаатларни қабул қилиб олиб, конунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан куйидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аникланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя килган холда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.

8.2. Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги конунчилик ҳужжатлари билан жавобгарликни ўтайдилар.

8.3. Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи мазкур шартнома ва/ёки унинг асосида берилган кафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.4. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Таъминотчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда; в) қиши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.5. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул килиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб килиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Таъминотчидан белгиланганд тартибда тўланган суммани қайташини талаб килиш хукукига эга.

8.6. Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Таъминотчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.7. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига илова(2) қилинган “Табиий газдан фойдаланиш Қоидлари” хамда бошка қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеммолчи” “Таъминотчи”га мазкур шартнома доирасида қуидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади:

Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеммолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Таъминотчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган такдирда, Тарафлар қоидага кўра, уларни талабнома жўнатиш орқали судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, Тарафлар талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida унга жавоб қайтаришлари шарт, акс холда ушбу холат қонунбузилиш ҳолати сифатида баҳоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика қўмитасининг интернетдаги корхона ва ташкилотлар хакидаги жойлаштириган маълумотларидаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм рақамларига ёки шартномадаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм рақамларига жўнатилиши мумкин.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли иктиносидий судга ёки Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти худудий бошкармаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судимурожаат килишга ҳақлидир, танлаш хукуки датвогарда қолади.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазибичкариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгид бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чикиши, ер кимирлаши, вирус таркалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартириш

ёки муносабатларни тўхтатиш хукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнинда сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул киладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзgartириш ва қўшимчалар ёзма равиша да расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 марта бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилар ҳар йили “2022” йил 31 март санасига” амал қилишлари лозим.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

| | |
|---|--|
| <p>«ТАММИНОТЧИ» «Худудгиз Сирдарё» газ тъминот филиали</p> <p>Гулистон шахар, А. Темур кўч.65 ўй х/р <u>22634000405113960415</u></p> <p>АТБ Ўзсононаткурилишбанк Сирдарё минтақавий филиали МФО:00435; ИНН: 306605769</p> <p>ОҚ ЭД:35220; Тел: +99897-247-74-71</p> <p>Рахбар: Ж.Халиров</p> <p>Имзо</p> <p>REPUBLICA SIRDARYO VILAYETI SHARTNOMALARI UCHUN</p> | <p>«ИСТЕММОЛЧИ»</p> <p><u>ТСТУ Янчар орзимеъду</u> <u>Янчар ше тинчлиқ салуб</u> <u>10001086024413708410007900</u> х/р <u>2540 2000 3000 0000 01010</u></p> <p>Банк <u>Меркуарий банк</u> <u>306598 518</u></p> <p>МФО: <u>00014</u>; ИНН: <u>201122919</u></p> <p>Тел <u>67 350 58 56</u></p> <p>Рахбар: <u>Б.Ж. Намуров</u></p> <p>Имзо</p> <p>Бош мосаддики</p> |
|---|--|

Юрист хуносаси:

Мен, ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошка конун хужжатлари асосида хуқукий экспертиза килиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар юкоридаги конун хужжатлари билан тартиба солиниши, тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари, хисоб-китоб тартиби, газни етказиб берин ва узиб кўйиш тартиби, тарафларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби талабларга мувофиқлигини билдираман. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Б. Мунаффоров.

(Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳур)

(сана)

2022 йил «5»январдаги 02/02-0062 -сон шартномага ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилингани газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ
Фаолият тури: Тоғлием шуассосен

Кадастр 121109020100750001

Табиий газ тарифи 660 сўм 00 тийин

| Т/р | Корхона, участка, цех номи | Агрегатлар | | Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат | Газни хисобга олиш приборларининг турлари |
|-----|----------------------------|------------|-----------------------|---------------------------------|---|
| | | номи | сони | | |
| | KVA-300 | 4 | 34 | СГР-80/250 | |
| | | йил | 489600 м ³ | 05.11.215 | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |



ИСТЕММОЛЧИДАН
Рахбар 3 Улоғиев (Ф.И.Ш.)

